

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Тошкент тиббиёт академияси  
Ижтимоий фанлар кафедраси  
тариҳ фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент  
Искандаров Шерзод Абдиганиевич  
[Iskandarov54@mail.ru](mailto:Iskandarov54@mail.ru)

**Аннотация:** Мазкур мақолада Қашқадарё воҳаси ўзбеклари турмуш тарзи ва этномаданий жараёнлари тарихшунослиги ёзма манбаларни ўрганилган ва қўпгина ёзма манбаларнинг ўзига хос томонлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** коммуникация, глобал, оғзаки ижоди, Алпомиш, чорвачи, кийим-кечак, қарлуқ, менталитети, жамоавийлик, индивидуаллик, этногенези, этник тарихи, урф-одати, транформатсион, географик, маданиятини, қишлоқ хўжалиги, турмуш-тарзи, маънавий.

XX аср бутун инсоният тарихида улкан ўзгаришлари даври бўлди. Нафакат инсоният тарихида балки, техника технология, ривожланиши натижасида глобалашув жараёнида муносаб ўрин эгаллади. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳада информацион-коммуникация ва глобал ўзгаришлар даври юз берди. XX аслида, XXI асрининг бошларида ҳар бир ҳалқ ўзига хос маданий хусусиятларида ва миллий қадриятларини сақлаб қолиши янада кучайди. Ўзбек этнологиясида XX асрда Қашқадарё воҳа аҳолисининг этник ўзлигини англашга доир маҳсус адабиётлар деярли йўқ. Ўзбек ҳалқининг қадим аждодлари этнографиясига доир тарихий манба ва асарлар, сабиқ Совет давридаги муаллифларнинг илмий тадқиқотлар, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида яратилган илмий тадқиқотлар ва асарларда учрайди.

Марказий Осиё ҳалқларининг қадимги ҳалқ оғзаки ижоди наъмунаси бўлмиш «Алпомиш»,<sup>1</sup> шунингдек машҳур энциклопедист олим Абу Райхон Беруний, буюк тишлинос олим Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Наршахий, давлат арбоби ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобурларнинг тарихий-бадиий асарлари алоҳида аҳамиятга моликдир.<sup>2</sup> Шунингдек, ишда

<sup>1</sup>. Алпомиш. Ўзбек қаҳрамонлик достони. Т.: Шарқ, 1998.

<sup>2</sup>. Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар. I-II-III-том.-Т: Фан, 1968. Б. 468. 17. 49. 71. Маҳмуд Қошғарий. Девону луготит турк. I-том.-Т: Фан, 1962. ;Б. 460. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т: Юлдузча, 1989. Б. 367 Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т.: Фоғур Ғулом, 1991. 86. Наршахий. Бухоро тарихи. Т: Фан, 1966; Б. 120.

воҳадаги айрим уруғларнинг этник тарихи, воҳага келиб ўрнашиш ҳақида Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома», («Шарафномайи шоҳий»), Абулғозий “Шажараий турк”, каби асарларидан ҳам фойдаланилди.<sup>3</sup> Ушбу манба ва адабиётларнинг тадқиқот учун аҳамияти шундаки, мазкур асарларда ўзбекларнинг этник тарихи ва этнографиясига оид қимматли маълумотлар мавжуд.

Қашқадарё воҳа аҳолисининг XX асрдаги этник хусусиятларини ўзида аск эттирган бир қатор ишларини таҳлил этишдан аввал шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу гурухга киравчи адабиётларда айнан тадқиқ қилинаётган ҳудуд этнографисига оид маълумотлар учрайди. Марказий Осиёни Россия томонидан босиб олингач, рус тадқиқотчилари биринчи навбатда ҳудудни географик, этнографик илмий изланишларида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзига оид кўплаб масалаларни изчил ўргана бошлаган.

Аммо юқоридаги фикр-мулоҳазалар шундан хулоса чиқариш мумкинки, қадим даврдан то XX асрнинг охиригача тадқиқот юзасидан бирорта муқаммал тадқиқот яратилмаган. Фақатгина қатар муаллифлар томонидан у ёки бу мавзуни ўрганиш жараёнидагина ушбу мавзуга қисқача тўхталиб ўтилган.

Мавзуга доир манбалардан бир 1926 йилги аҳолининг рўйхатига олиш ҳақида маълумотлар ҳисобланади.<sup>4</sup> XX асрнинг 20-90 йиллари Ўрта Осиёни тарихий-этнографик жиҳатидан ўрганиш бўйича уюштирилган қатор экспедицияларининг натижаси ўлароқ биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида қатор илмий мақолалар ва тадқиқотлар нашр қилинди. Қашқадарё тарихи этник гурухини сабаб улар янги ўзлаштириш ерларга кўчирилиши туфайли ўтроқ ҳолда яшаб келган қишлоқ аҳолиси билан алоқа муносабат олиб улар хали ҳам уруғ-қабила номларни сақлаб қолганлар<sup>5</sup>. Қашқадарё аҳолисининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлганлигини ва уларнинг бир неча уруғ қабиладан ташкил топганлигини кўрсатиб ўзбекларнинг ўз қабила тўғрисида кенг тўхталган. Ўзбекларнинг этник гуруҳларга бўлиниш ва тарихий келиб чиқиши қишлоқ хўжалиги чорвачилиги ва маданий турмушлари тўғрисида қизқарли маълумот беради<sup>6</sup>. Воҳа аҳолисининг тарихий келиб чиқиш қишлоқ

<sup>3</sup>. Абулғозий Шажараий турк. Т.: Чўлпон, 1992. Б. 38. Б. 32. Б.192.Муҳаммад Солих. Шайбонийнома. Т: Адабиёт ва санъат 1989.

<sup>4</sup>. Материалы по районированию Средней Азии Территория инаселение Бухары и Хорезма Бухаро Т 1926 стр. Б. 252

<sup>5</sup>. Галкин М. Н Этнографические и ис материалы по Средней Азии Оренбургскому Т.: 1867. С. 157

<sup>6</sup>. Задъкина К. А. Некоторые вопросы изучения этнического состава населения бассейна Кашкадары и Сурхандарьинской области Уз СССР краткие сообщения инс этнографий СССР, Т.: 1962. стр.

хўжалиги маданияти уруғлар бўлиниш жойланиш, чорвачилик, ишлаб чиқариш моддий маданияти XX аср лақайларнинг турмуш-тарзи ва маданияти ҳақида маълумот бердади<sup>7</sup>.

Бу даврга доир маҳсус тадқиқот ўтказилмаган бироқ этнографик характердаги маълумотлар берувчи бир қатор тадқиқотчилар, ҳарбийлар кундаликлар ва саёҳатчиларни ишларида учрайди. Жумладан, Н.В. Хаников, А.Д. Гребенкин, А.П. Хорошхин, Л.Н. Соболев, Н.А. Маев, А. Вамбери, А. Борис, Н.А. Аристов, И.Л. Явровский, Васильев, Галкин, В.И. Липский<sup>8</sup> кабилардир. Бу асаларда асосан аҳолининг турмиш-тарзи этномаданияти ўз аскини топган.

XX асрнинг бошларида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб боришилган айнан Жанубий Ўзбекистон этнографиясини ўрганиш борасида кундаликлар, статистик характердаги адабиётлар билан биргаликда бир қадар илмий асосдаги тадқиқотлар ҳам амалга оширила бошлади. Жумладан, А.А. Семёнов, А. Снесарев, Р.Ю. Рожевиц, Н.Ф. Ситняковский, Д.Н. Логофет<sup>9</sup> каби тадқиқотчиларнинг этнографик материаллар алоҳида аҳамиятга эгалиги билан фарқланади.

Ўрта Осиё аҳолисини этнографик жиҳатдан тадқиқ этишининг ўша даврдаги янги бир босқичи XX асрнинг 20-йилларидан бошлианди. Тарихшунослик нуқтаи-назаридан советлар даврида олиб борилган тадқиқотларни хронологик жиҳатдан ҳам бир неча босқичга бўлиб таҳлил этамиз. Бу даврнинг 20-30 йиллари даврида этнографик тадқиқотларнинг

7. Кармышева Б.Х. Этнографическая группа "тюрок" в составе узбеков//СЭ- 1960 № 1.С. 3-22.

8. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства, СПб, 1843; Гребенкин А.Д. Узбеки. // СРТ. Вып. II. 1872; Шу муаллиф. Таджики. Мелкие народности Зерафшанского округа // СРТ. Вып. II. 1872; Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края, СПб., 1876; Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе с приложением списка населенных мест Округа.//ЗРГООС, т. IV. 1874; Маев Н.А. К вопросу о родственной связи среднеазиатских народов между собою, //ТВ, 1875, №16; Очерки горных бекстов Бухарского ханства // МСТК. Вып. V. СПб., 1879; Очерки Гиссарского края // МСТК. Вып. V. –СПб., 1879; Вамбери А. Путешествие Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 г., изд. 1-е, М., 1867; изд. 2-ое, 1874; Шу муаллиф: Очерки Средней Азии. – М., 1968; Борис А. Путешествие в Бухару, ч.3. М.: 1849; Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // ЖС, Вып. III и IV, 1896. Явровский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878 – 1879 гг. т. 2. Спб, 1883; Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекство Шираабадское и часть Байсунского // СМА, Вып. LVII, 1894; Галкин. Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханская долины, // СМА, Вып. LVII, 1894. С

9. Семёнов А.А. По границам Бухары и Афганистана. (Путевые очерки) // Исторический вестник. СПб. т.88. 1902. Снесарев А. Восточная Бухара (Военный-географический очерк), // СМА, СПб., 1906;. Рожевиц Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. // ИРГО, т. XLIV, вып. 9, 1908; Ситняковский Н.Ф. К генеалогической таблице узбеков рода Кунград // ИТОРГО. Т. 7. 1907.; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом, т.1, Спб., 1911; В горах и равнинах Бухары (Очерки Средней Азии.) 1912; 5

характери ва аҳамияти ҳақида тарихшунослик тадқиқотларида таҳлил этилган<sup>10</sup>

Ўзбек халқининг қишлоқ аҳолисининг этник тузилиш машғулоти оила ва никоҳ муносабатлар маданиятининг урф-одат уруғ кабилар ҳақида маълумотлар беради.<sup>11</sup>

XX асрнинг 50-60-йилларида келиб ўзбек халқининг анъанавий кийимларини ўрганиш борасида янги давр бошланди. Бу даврда турли тарихий-этнографик минтақаларда яшовчи ўзбекларнинг анъанавий кийимларини тадқиқ қилиш борасида янги тадқиқотлар юзага келди. Бу борада машҳур элшунос олима О. А. Сухарева дала тадқиқотлари ва турли тарихий материаллар асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор фундаментал тадқиқоти яратиди<sup>12</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Ўзбекистон вилоятларини этнографик йўналишда ўрганиш борасида ўзига хос давр бўлган деб айтиш мумкин. Айнан мазкур даврда этнограф олимлар К.Шониёзов, X.Исмоилов, К.Кубаков, О.Бўриев, Ф.Рахманов, С.Давлатова, Ш.А.Искандаровлар томонидан воҳа этнографиясининг турли қирралари маҳсус тадқиқот обьекти тарзида ўрганилган.

XX асрнинг 60-йилларида ўзбек халқи этнографиясига бағишиланган фундаментал тадқиқотлар яратилди. Жумладан ўзбек халқи этнографиясини асосчиларидан бири К. Ш. Шониёзовнинг қатор монографиялари нашр қилинди. Академик К. Ш. Шониёзов “Ўзбеки карлуки”<sup>13</sup> монографиясининг ўзбек халқ оила ва никоҳ, воҳада истиқомат қилувчи қарлуқларда келин танлаш совчилик, маслаҳат, қалин кесиши, нон синдириши, фотиҳа, никоҳ тўй, маросимлари, тўйдан кейинги урф-одатларга, маънавий ва моддий маданиятини, қишлоқ хўжалиги, турмуш-тарзи борасидаги маълумотлар бериши билан ҳам аҳамиятлиdir.

Ўзбек халқининг энг асосий уруғларидан бири қипчоқларининг турмуш-тарзи. урф-одатлар маросимлари ҳамда компонентлари, хусусан, турар-жойлари, кийим-кечаклари ва таомлардаги этник ва локал ўзига хос жиҳатиларига бағишиланган К. Шониёзов ва X. Исмоиловларнинг ҳам

<sup>10</sup>. Батафсил қаранг: Лунин Б.В 20-30-йилларда Ўзбекистонда этнография масалаларининг ўрганилиши // XX асрнинг ўттизинчи йилларида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). 2-қисм. – Тошкент, 1994. Б. 309-327; Дониёров А.Х. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар (XX асрнинг 20-80-йиллари). – Т.; 2003.

<sup>11</sup>. Жўраев Б Юкори Қашқадарё ўзбек шева Т: Уз СССР, Фан, 1969, стр

<sup>12</sup>. Сухарева О.А Древние черты в головных уборах народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. М., 1954. С. 299

<sup>13</sup>. Шаниязов К. Узбеки-карлуки.-Т.1964. С. 128-129

муаллифликдаги “Этнографические очерки материальной культуры узбеков в конце XIX-начала XX вв” номли монографиясини таъкидлаб ўтиш жоиздир.<sup>14</sup> Чунончи мазкур тадқиқотда илк маротоба ўзбекларнинг анъанавий туаражойлари, уйлари ва кийим-кечаклари классификация қилинганд. Шунингдек, моддий маданиятдаги маҳаллий ва этник хусусиятлар, ҳамда анъанавий моддий маданиятдаги ўзгаришлар ва трансформацион ва инновацион жараёнлар этнографик материаллар асосида ёритиб берилган.

Анъанавий ўзбек кийимлар тадқиқ қилишган ўзбек этнограф Х Исмоилов кийимларнинг тайёрлаш усуллар мато турлар тақинчоқлар кийим кеча, безак турлар тўғрисида маълумот берган.<sup>15</sup> Олимнинг кўп йиллик илмий тадқиқот ишлари натижасида кийим-кечаклардаги ўзига хос маҳаллий ва этник ўзига хос локал хусусиятларни таҳлил этган<sup>16</sup>. Ушбу маълумотлар бизга мавзуни ўрганишда хизмати қиласди.

Мустақилликнинг дастлабки, йилларида Ўзбекистон худудини, шу жумладан, тадқиқ қилинаётган Қашқадарё воҳасини тадқиқ қилиш борасида ҳам қатор эътиборга сазавор ишлар бажарилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи бўйича, Академик К. Ш. Шониёзов томонидан қатор илмий тадқиқотлар яратилди.<sup>17</sup> Муаллифнинг кенг тарихий маълумотлар, қўлёзма манбалар ва дала этнографик материаллар асосида “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” номли фундаментал монографияси этногенези ва этник тарихи муаммоларини ёритишдаги маълум бир бўшлиқни тўлдирувчи муҳим монография ҳисобланади. Мазкур асарда мавзунинг кўпгина жиҳатлари тарихи фанида илк маротоба ёритилган ва муаллиф томонидан ўзбеклар этногенези ва этник тарихига оид янги илмий қарашлар, қатор назарий масала баён қилингандиги билан ажралиб туради<sup>18</sup>. Жумладан “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига” доир А.Аскаровнинг<sup>19</sup> маҳсус ўқув қўлланмасида қатор янги мулоҳозалар баён қилинган. Илмий тадқиқотлари натижасида ўзбек халқининг шаклланишда қатнашган ўзбек уруғларининг этник ўзлигини англашга доир баъзи бир фикр ва мулоҳазоларни берган эди.

<sup>14</sup>. Шаниязов К. Ш. Исмаилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков в конце XIX-начале XX в.-Т: Фан,1981.

<sup>15</sup>. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. Т: Фан, 1979.

<sup>16</sup>. Исмаилов.Х Транционная одежда арбов Кашкадарьинский обл//Костюм народов Средней Азии-М.,1979. С. 228-239.

<sup>17</sup>. Левшин А. Описание киргиз-кайсацких орд и степей. –СПб., 1832. –С. 38.

<sup>18</sup>. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.Т: Шарқ, 2001. Б. 432.

<sup>19</sup>. Аскаров. А Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи Т.:Университет, 2007. Б. 261. Б. 317-318.

Элшунос олим Исо Жабборовнинг «Ўзбеклар», «Ўзбеклар анъанавий турмуши ва маданияти», «Ўзбек халқи этнографияси» ўзбекларнинг анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти этник жараёнилар ва шаклланиши, жойлаши, маъданий-маиший ҳаёти ва алоқалари, моддий-маънавий, маданияти, ижтимоий ва оиласи турмуши, миллий туйғулари, урф-одат ва байрамлари диний тасаввурлари ёритилган. Шунингдек, ўзбек халқнинг моддий ва маънавий маданият оиласи ва жамаовий ҳаёт, этнослараро жараёнларни ўрганишда О. Бўриевнинг хизматлар каттадир<sup>20</sup>.

Қашқадарё воҳасининг юқори қисмида жойлашган этник гурух, уларининг турмуш-тарзи, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданияти ва қўшни жамоалар билан қўшничилик муносабатлар ҳақида К. Кубаков<sup>21</sup> Юқори Қашқадарё воҳасидаги этник уруғларнинг келиб чиқиши ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи уруғларининг ўзига хос этно локал хусусияти жиҳатларни очиб берган. Никоҳ тўй, О. Бўриев Жанубий Ўзбекистондаги катта оиласи ўрганиш жараёнида никоҳ тўйи маросимларининг воҳага ўзига хос баъзи локал хусусиятларни мавзу талқинидан келиб чиқсан ҳолда ёритган.

Жанубий Ўзбекистон минтақаси аҳолиси этник тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борган О. Бўриевнинг қатор мақола ва монографиялари тадқиқ этилаётган мавзу бўйича муҳим маълумотларни беради.

Қашқадарё воҳасининг миллий кийим ва либосларини ўрганган С.Давлатованинг<sup>22</sup> ўзбек халқининг анъанавий кийим ва тақинчоқларини этномаданий трансформатцион жараёнлар турмуш-тарзи маъданияти либослар тарихи ва қадриятларининг айrim ўзига хос локал хусусиятларни ёритган. Шу билан бир қаторда Қашқадарё воҳаси ўзига хос анъанавий мато турларининг эволюцияси, кийимлари ҳамда локал хусусиятлари таҳлил қилинган.

Элшунос олим Ф. Раҳмановнинг<sup>23</sup> илмий тадқиқотлар натижасида ўзбек халқининг зироатчиликка доир урф-одат, анъана, маросим, дехқончилик, чорвачилик, ярим ўтроқ, ярим кўчманчи ўзбек турмуш тарзини ёритишда қимматли маълумотлар беради.

<sup>20</sup>. Бўриев О. Хўжамбердиев Т Ўзбек халқнинг боқий қадриятлари Қарши. Насаф 2005. // Этнология Атамаларининг қисқача изоҳли лугати. Қарши.: Насаф, 2004 // Оила ва социалистик турмуш тарзи. Т.: Ўзбекистон, 1982. // Бўриев.О. Шоймардонов. И Насриддинов. Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т: Ўқитувчи, 1995. // Бўриев О Низомов А Оила ва янги анъаналар. Т: 1988.

<sup>21</sup>. Кубаков К. К. (XIX аср охири XX аср бошларида юқори) Қашқадарё қишлоқ аҳолисининг этник состави Т. 1973.

<sup>22</sup>. Давлатова С Қашқадарё воҳаси ўзбеклари анъанавий кийимларининг трансформацияси XIX-аср охири XX-аср Т: 2006.

<sup>23</sup>. Раҳманов.Ф Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири XX аср бошлари) Тарих фанлари номзоди дисс–Т.: 2001

Мустақиллик йиллари воҳа этнографиясига бағишлиланган қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилди.<sup>24</sup> XX-аср Қашқадарё аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий, тармоқларнинг ривожланиш босқичлар ҳақида “Илмий методик кўрсатмалар”, китобида ҳам маълумотлар берилган.<sup>25</sup> Илмий ишни ёритиши мақсадида мустақаллик йилларида воҳа тарихи этнографияси ва археологиясига бағишлиб, яратилган бир қатор тадқиқотлардан ҳам фойдаландик<sup>26</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёқ мамлактимиз олимлари миллий ўзликни англаш ривожланишининг турли йўналишларига бағишлиланган илмий мақола рисолалар ва монографияларни нашр қилди. Жумладан, Ж. Баҳронов<sup>27</sup> шахс миллий ўзлигини англашининг қонуниятларини М.Б.Бекмуродов<sup>28</sup> ўзбек халқи менталитетида жамоавийлик ва индивидуаллик нисбати масалаларини, Н.А. Назаров миллий-этник жараёнларнинг мустақиллик шароитидаги хусусиятларини, мустақил белгиси сифатидаги аҳамияти, миллий онг ва миллий маданият ривожидаги ўрни масалалари илмий таҳлил қилинган.

ЎзР ФА Тарих институти «Этнология» бўлимида ўзбек халқи этнографиясининг долзарб мавзуларининг янгича талқинига бағишлиланган қатор тадқиқотлар яратилди. Жумладан тадқиқотчи Г. Зунунова Тошкент шаҳри ўзбек аёллари кийимларининг ривожланиш босқичлари ва трансформациясини ўрган бўлса, К. Жумаев Бухоро кийимларининг ўзига хос локал хусусияти томонларини этнографик материаллар асосида таҳлил қилган.<sup>29</sup> Бундан ташқари, У. Абдуллаев, И. Ахроров, М. Ҳамидова, Т. Ботиркулов каби ёш санъатшунос, файласуф, этнограф олимларнинг ўзбек миллий кийимларини таҳлилига бағишлиланган қатор ишлари эълон қилинган.<sup>30</sup> Элшунос олим А.А.Аширов Фарғона воҳасида истиқомат қилувчи ўзбекларининг турмуши-тарзига доир бир қатор ўзининг илмий

<sup>24</sup>. Шониёзов .К. Ш. Қарлук давлатлари ва қарлуклар Т: Шарқ, 1999. Б. 151. // 110. Сулейманов Р. Древний Нахшаб Самарқанд Т: 2000 С. 342. // Равшанов. П. Қашқадарё тарихи. Т: Фан, 1995. Б. 485-486.// Насриддинова. Ўзбек дағн ва таъзия маросимлар. Т: Абдулла Қодрий, 1996.

<sup>25</sup>. Қашқадарё экологияси ва эккономикаси Илмий методик кўрсатма Қарши 1991.

<sup>26</sup>. Сулейманов Р. Древний Нахшаб Самарқанд Т: 2000 С. 342.

<sup>27</sup>. Баҳронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши қонуниятлари. Самарқанд: Зарафшон, 1995. Б. 105.

<sup>28</sup>. Бердиева Н Ўзликни англаш орзууси/Жамияти ва бошқарув Т: 2006 № 1 - Б-76-77.

<sup>29</sup>. Зунунова Г.Ш. Тошкент ўзбекларининг анъанавий уй-жойлари ва унинг ўзгариши // Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. –Т.: 2002. Б. 73-85 // Жумаев К. Традиционная Бухарская одежда конца XIX - начала XX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т: 2002. № 5. - Б. 36-38.

<sup>30</sup>. Абдуллаев У. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в конце XIX - начале XX в. // O'zbekiston tarixi. Т: 1999. № 4. -Б. 62-69. // Ақоров И. Тақинчоқлар таърифи // Саодат. Т: 1997. - № 3. -Б. 27. // Қамидова М. Ўзбекгимнинг каштасию дўпписи // Фан ва турмуш. Т: 2000. - № 5. - Б. 24-25.

назарияларини беради. Илмий тадқиқотнинг асосини ўзбек халқининг оиласвий маросимларида кийим-кечакларнинг рамзий тутган ўрни ва у билан боғлиқ маросим янгича нуқтаи назардан тадқиқ қилинган бўлиб, муаллиф томонидан туғилиш, никоҳ ва мотам маросимларида кийиладиган маросимий кийимларидаги умумийлик борасида қатор эътиборга сазавор мулоҳазалар билдирилган.<sup>31</sup>

Шунингдек, мавзунинг айрим жиҳатларини ёритиш ва маълумотларини тўлдириш учун “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, “Жамият ва бошқарув”, “Ўзбекистон тарихи”, “Фан ва турмуш”, “Ижтимоий фикр инсон ҳукуқлари”, “Этнографическое обозрение”, “Қашқадарё ҳиқақиқати”, “Ўзбекистон маданияти”, каби журнал ва газеталарида чоп этилган этнографик маълумотлардан фойдаланилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси МДА нинг 2888-фонд, ПДА 58-фондидан ҳам сақланаётган мавзуга доир материаллардан ҳам маълумотлар таҳлил қилинди.<sup>32</sup> Шунингдек, асосий этнографик жиҳатлар қиёсий маълумотлар асосида ёритилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозими, тадқиқотнинг ўрганилиш даражасини илмий таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатди, мавжуд манбалар ва адабиётлар, этнографик маълумотлар этномаданий жараёнлар ўрганилди. Қашқадарё воҳасининг турмуш тарзи ва этник ўзликни англаш ва ижтимоий институилар масаласига доир адабиётлар ўрганилди.

<sup>31</sup> Ashirov A. On the problem of initiation and cyclical in Uzbek family ceremonies in the 20th century // XXth Century in the history of Central Asia. –Tashkent, 2004. –P. 61-63;

<sup>32</sup> Ўз. Рес. МДА фонд 2888 рўйхат-1 йигма жлид 23 вароқ-72. Б-10. Б-71. Б-3. Б-10.Б-10-11. Б-77. Б-14-28. Б-19. // Ўз. Рес. ПДА фонд-58 рўйхат-22 йигма жлид 918 варақ-29.